Беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 34 (5004).

16 ФЕВРАЛЬ ШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмаси чеварлари тўққизинчи беш йилликнинг аниқловчи йилида зарбдор вахтада туриб ишлашяпти. Барча цехлар ва участкалар ишчи-хизматчилари республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейи муносабатидан йилда ҳар қачонгидан ҳам баракали ишлашга қатъий аҳд қилдилар.

Шу мақсадда социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат учун кураш тобора авж олдирилаяпти. Бу ватанпарварлик ҳаракатида деярлик барча ишчилар, коллективлар иштирок этмоқдалар. Мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш усуллари янада такомиллаштирилди. Бундай тадбирлар давлат планларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришиш имконини бермоқда.

Коллективнинг январь ойидаги иш якунлари бунга мисол бўлаолади. Чеварлар фидокорона меҳнат қилиб ойлик топшириқни муддатидан икки кун илгари адо этдилар. Савдо шохобчаларига 3 миллион сўмликдан кўпроқ тикувчилик буюмлари етказиб берилди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик маҳсулот тайёрланди ва реализация қилинди.

Ўтган ойда яхши натижаларга эришган чеварлар февралнинг биринчи кунларидан бошлаб янада кўтаринки руҳ билан ишламоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан кам чиқим билан, кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини берадиган барча резервларни қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланишга интилмоқдалар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛДА ДОН, ПАХТА ВА БОШҚА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика қишлоқ хўжалик ходимларининг 1973 йилда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш учун социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба Союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари билан пул мукофотлари қуйидаги областларга ва районларга берилди:

Қизил байроқ ва биринчи мукофот — Сурхондарё областига.

Қизил байроқ ва иккинчи мукофот — Наманган ва Тошкент областларига.

Қизил байроқ ва учинчи мукофот — Самарқанд, Фарғона ва Хоразм областларига.

Қизил байроқ ва биринчи мукофот — Тошкент областининг Калинин районига, Жиззах областининг Дўстлик районига.

Қизил байроқ ва иккинчи мукофот — Андижон областининг Избоскан районига, Сурхондарё областининг Шўрчи районига, Фарғона областининг Фарғона районига, Сирдарё областининг Боёвут районига ва Наманган областининг Янгиқўрғон районига.

Қизил байроқ ва учинчи мукофот — Самарқанд областининг Оқдарё районига, Қашқадарё областининг Шаҳрисабз районига, Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли районига, Хоразм областининг Янгиариқ районига ва Бухоро областининг Ромитан районига.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги, совхозлар министрлиги ва озиқ-овқат саноати министрлигининг, «Главсредазирсовхозстрой»нинг ҳамда қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи республика комитетининг қизил байроқларни қуйидаги хўжаликларга бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР БУЙИЧА

Хўжайли районининг «Коммунизм» колхозига.

Тўрткўл районининг «Намуна» колхозига.

Хўжайли районининг Ҳамза номли колхозига.

Амударё районининг Крупская номли колхозига.

Беруний районининг «Октябрь 50 йиллиги» колхозига.

Чимбой районининг Усмон Юсупов номли совхозига.

Ленинобод районининг «Тошкент» совхозига.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Марҳамат районининг «Пахкор» колхозига.

Ленин районининг Карл Маркс номли колхозига.

Кўргонтепа районининг Энгельс номли колхозига.

Жалақудуқ районининг Свердлов номли колхозига.

Андижон районининг Ленин номли колхозига.

Избоскан районининг Тельман номли колхозига.

Москва районининг «Қизил юлдуз» колхозига.

Хўжаобод районининг Куйбишев номли колхозига.

БУХОРО ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Вобкент районининг «Коммунизм» колхозига.

Шофрикон районининг «Қизил байроқ» колхозига.

Қамаши районининг «Фарғона» совхозига.

Ромитан районининг Наримонов номли колхозига.

Шофрикон районининг Карл Маркс номли колхозига.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Задарё районининг «Коммунист» колхозига.

Чуст районининг Карл Маркс номли колхозига.

Косон районининг «Правда» колхозига.

Наманган районининг «Партия XXII съезди» колхозига.

Уйчи районининг Охунбобоев номли колхозига.

Поп районининг «Партия XXII съезди» колхозига.

Янгиқўрғон районининг Навоий номли колхозига.

Поп районининг «Найман» совхозига.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Пахтачи районининг Охунбобоев номли колхозига.

Ургут районининг Карл Маркс номли колхозига.

Пастдарғом районининг Карл Маркс номли колхозига.

Иштихон районининг Фрунзе номли колхозига.

Хатирчи районининг «Узбекистон» колхозига.

Самарқанд районининг «Ленин байроғи» колхозига.

Оқдарё районининг «Оқдарё» совхозига.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Жиззах районининг Жданов номли колхозига.

Дўстлик районининг Саркисов номли совхозига.

Мирзачўл районининг Абай номли совхозига.

Дўстлик районининг «Октябрь 50 йиллиги» совхозига.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Ғузор районининг Карл Маркс номли колхозига.

Яккабоғ районининг Энгельс номли колхозига.

Шаҳрисабз районининг «Коммунизм» колхозига.

Чироқчи районининг «Партия XXIV съезди» колхозига.

Қарши районининг «Пахтабод» колхозига.

Яккабоғ районининг «Яккабоғ» совхозига.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Жарқўрғон районининг «Қизил октябрь» колхозига.

Жарқўрғон районининг «Коммунизм» колхозига.

Денов районининг Охунбобоев номли колхозига.

Сариосиё районининг Ленин номли колхозига.

Сариосиё районининг Калинин номли колхозига.

Термиз районининг Жданов номли колхозига.

Термиз районининг Калинин номли колхозига

Шеробод районининг «Дўстлик» совхозига.

Шеробод районининг Ленин номли совхозига.

Гагарин районининг «Искра» совхозига.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Гулистон районининг Крупская номли колхозига.

Сирдарё районининг Охунбобоев номли колхозига

Ворошилов районининг Свердлов номли колхозига.

Оқолтин районининг «Партия XXIII съезди» совхозига.

Сирдарё районининг «Сирдарьинский» совхозига.

Оқолтин районининг «Фарғона» совхозига.

Янгиер районининг «Ширин» совхозига.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Пискент районининг «Гулистон» колхозига.

Чиноз районининг Охунбобоев номли колхозига.

Янгийўл районининг «Ленинизм» колхозига.

Оққўрғон районининг Ҳамид Олимжон номли колхозига.

Янгийўл районининг Н. Ниёзов номли колхозига.

Чиноз районининг Навоий номли колхозига.

Юқори Чирчиқ районининг Карл Маркс номли колхозига.

Бекобод районининг 1-«Далварзин» совхозига.

Бекобод районининг 4-«Далварзин» совхозига.

Қуйи Чирчиқ районининг «Нижний Чирчик» совхозига.

Калинин районининг «Қорасув» совхозига.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Фарғона районининг Навоий номли колхозига.

Бувайда районининг «Ленинобод» колхозига.

Бувайда районининг «Партия XX съезди» колхозига.

Қува районининг Димитров номли колхозига.

Ленинград районининг Энгельс номли колхозига.

Фарғона районининг Димитров номли колхозига.

Ўзбекистон районининг «Комсомол» совхозига.

Риштон районининг «Риштон» совхозига.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Қўшкўпир районининг Киров номли колхозига.

Хева районининг Огаҳий номли колхозига.

Боғот районининг «Коммуна» колхозига.

Янгиариқ районининг Чапаев номли колхозига.

Шовот районининг «Партия XXII съезди» колхозига.



Тошкент тўқимачилик комбинати тайёр маҳсулотлар бўлимининг Л. Шефер бошлиқ назоратчилар бригадаси аъзолари айни кунларда белгиловчи йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Бригаданинг ҳар бир аъзоси оширилган социалистик мажбурият олиб, шу кунларда 8800 метр ўрнига 10 минг метрдан ортиқ газламани текширувдан ўтказишга эришмоқдалар. Суратда: илғор бригада бошлиғи Л. Шефер.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

ҚАРШИ, 15 февраль. Бугун Қашқадарё областига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи топширилди. Байроқни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов топширди. Бир ярим миллион аҳолиси бўлган шаҳар бу юксак мукофотга 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг республика социалистик мусобақаси якунларига кўра сазовор бўлди.

●

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги коллективига 15 февралда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи топширилди. 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг республика социалистик мусобақасида қўлга киритилган бу мукофотни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева топширди.

●

15 февраль куни тантанали вазиятда Ўзбекистон ССР барлиқ хўжалиги бошқармаси коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи топширилди. Байроқ бу коллективга республика социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун берилган эди. Юксак мукофотни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев топширди.

(ЎзТАГ).

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ҲАМДА БОШҚА ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛДА ИШДАГИ ЭНГ ЯХШИ КЎРСАТКИЧЛАР УЧУН ЎТКАЗГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба Союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари билан пул мукофотлари қуйидагиларга берилди:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ БУЙИЧА

Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё районидаги Энгельс номли колхозига.

Андижон областининг Ленин районидаги «Коммунизм» колхозига.

Бухоро областининг Бухоро районидаги «Маданият» колхозига.

Хоразм областининг Хонқа районидаги «Ленинград» колхозига.

Самарқанд областининг Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхозига.

Сурхондарё областининг Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозига.

Тошкент областининг Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозига.

Фарғона областининг Фарғона районидаги Ленин номли колхозига.

Хоразм областининг Урганч районидаги Карл Маркс номли колхозига.

Самарқанд областининг Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозига.

Жиззах областининг Ғаллаорол районидаги 1-«Ғаллаорол» совхозига.

Қашқадарё областининг Қарши районидаги «Плодовопитомнический» совхозига.

Тошкент шаҳридаги «Узгипрозем» институтига.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОВХОЗЛАР МИНИСТРЛИГИ БУЙИЧА

Қорақалпоғистон АССРнинг Қўнғирот районидаги «Қўнғирот» совхозига.

Андижон областининг Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозига.

Қашқадарё областининг Ульянов районидаги «Қашқадарё» совхозига.

Сирдарё областининг Боёвут районидаги 3-«Боёвут» совхозига.

Тошкент областининг Бекобод районидаги Ойбек номли совхозига.

Фарғона областининг Фрунзе районидаги Жданов номли совхозига.

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ» БУЙИЧА

«Қаршистрой» бошқармасига.

«Қорақалпаксовхозстрой» бошқармасига.

«УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» БИРЛАШМАСИ БУЙИЧА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тажриба ремонт-механика заводига.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ БУЙИЧА

Наманган ун комбинатига.

«УЗГЛАВВОДСТРОЙ БУЙИЧА

«Қашқадарьяводстрой» трестига

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ БУЙИЧА

Фарғона область сўториш системалари бошқармасига

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ БУЙИЧА

Самарқанд 3-автотрестининг 60-автобазасига.

АРЗОН МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРАМИЗ

Ўтган ҳал қилувчи йилда азамат колхозчиларимиз ҳар қачонгидан самарали меҳнат қилдилар. Барча пахта майдонларида мул ҳосил етиштирдилар. Шунинг учун колхозимизда баракали хирмон кўтарилди. Планда белгиланганидан 555 тонна, зиммага олинган социалистик мажбуриятга нисбатан давлатга 305 тонна кўп «оқ олтин» сотилди. Ҳосилдорлик гектар бошига планга нисбатан 4,32 центнер ошди. Бу колхозимиз тарихида энг қувончли воқеалардан, ва дастлабки ғалабалардан бири бўлди.

Хўжалигимизда ердан унумли фойдаланиш тобора яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили ҳар гектар ердан олинган даромад 1455 сўмга етди. Бир килограмм азот ҳисобига 15 килограммдан ҳосил олинди. Умуман ҳар гектар пахта майдонидан олинган ҳосил 31,62 центнер бўлди, шунинг учун пахтачиликдан мўл даромад олинди. Умуман, колхозимиз бўйича 2 миллион 156 минг сўмлик даромад олинган бўлса, пахтачиликнинг ўзидан 1 миллион 821 сўм бўлди.

Кўпгина бригада аъзолари мўл ҳосил етиштирдилар. Ж. Якубова, Б. Исматов, А. Цой, Х. Раҳимбоев, Р. Зикрияев, М. Кукурадзелар бошлиқ бригада аъзолари мўл ҳосил етиштирдилар. Масалан, колхозчиларнинг бир иш кунининг қиммати натура билан 7 сўм 89 тийинга, пул билан 7 сўм 34 тийинга тўғри келди. Колхозчиларимиз баракали ҳақ олдилар. Бригада аъзоларининг ёз бўйи ишлаган ҳар сўмига 68 тийиндан тортиб 1 сўм 14 тийингача қўшимча ҳақ берилди.

Яқинда колхозимизда йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда эришилган ютуқлар қайд этилди. Йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Ҳозир колхозларда тежамкорлик билан иш олиб бориш, ишлаб чиқариш планида белгиланганидан ортиқча ҳаражат қилмаслик, маҳсулот таннархини камайтириш муҳим вазифа бўлиб қолди. Шу жиҳатдан қараганда ҳали ишимизда бир мунча камчиликлар бор. Айрим бригадаларда белгиланганидан ортиқ сарф-ҳаражат қилиш ҳоллари учраб туради. Масалан, Б. Исмоилов, Ж. Якубова бошлиқ бригадаларда уруғлик, минерал ўғит, инвентар ва иш ҳақи белгиланганидан 5—6 минг сўм кўп сарфланган.

Машина билан пахта териш колхозимизда анча яхшиланиб қолди. Ўтган йили бир машина билан ўрта ҳисобда 90 тоннадан пахта терилди. Лекин, буни ҳали ҳозирги талаб даражасида, деб бўлмайди. Чунки машина билан пахта териш юқори даражага кўтарилмаган учун четдан ёрдамга келганларга кўплаб ҳақ тўланмоқда. Ўтган йили пахта териш учун ёрдамга келганларга 95 минг сўмдан кўпроқ пул тўланди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида қишлоқ меҳнаткашларини деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича бошланиб кетган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорда мўл-кўл ва арзон маҳсулот етиштиришга алоҳида эътибор берилган. Бу масалалар колхозимиз умумий мажлисида кенг муҳокама қилинди.

Ўтган йилги меҳнат зафарлари билан руҳланган колхозимиз аъзоларн янги марраларни кўзлаб ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият олдилар. Шу мажбурнятга кўра бу йил 3950 тонна пахта, 300 тонна ғалла, 270 тонна сут, 42 тонна гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштиришади. Бу мажбурнятларнинг тўла бажарилишига, арзон маҳсулот етиштиришга кшончимиз комил. Чунки лабзи ҳалол колхозчиларимиз шу мақсадда меҳнат қилмоқдалар.

Т. ДУШАБЕКОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз бухгалтери.

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБИ

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

«Главташкентстрой» Бош бошқармасига қарашли «Жилстрой» трести тарихий тўққизинчи беш йиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб юксалиш йўлига ўтиб, аста-секин қолоқликдан қутилди ва илғор коллективлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Ўтган ҳал қилувчи йилда эса умумхалқ социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, янада юқори кўрсаткичларга эришди.

Яқинда 1973 йил Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби, деб топилган бир қатор корхона, қурилиш ва ташкилот коллективларига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари ҳамда пул мукофотлари топширилди. Мукофотланганлар орасида «Жилстрой» трести ҳам бор. Шу муносабат билан трест бошқарувчиси Латиф Зокирович Тоғров мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

«Жилстрой» трести коллективининг беш йилликнинг ўтган уч йили давомидаги меҳнат кўрсаткичларига назар ташласак, катта ўзгаришлар юз берганини кўрамиз. 1971 йилда қурилиш-монтаж ишлари плани 67,2 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш плани 79 процент, турар-жойларни фойдаланишга топшириш плани 73,1 процентда қолиб кетган эди. Бундай қолоқлик натижасида келтирилаётган йиллик иқтисодий зарар 3 миллион сўмгача бориб етарди. Айниқса, йирик панелли уй-жойлар қуриш муддати, деярлик икки баравар узайиб кетарди.

Трест маъмурияти, инженер-техник ходимлар ва илғор қурувчилар ташаббуси ҳамда бевосита актив ҳаракати билан ишда тубдан бурилиш ясаш тадбирлари белгиланди. Дастлаб ишни трест составидаги қурилиш бошқармаларини ихтисослаштириш ва структурасини тартибга келтириш, қурилишни бошқаришдаги ортиқча звеноларни қисқартиришдан бошладик. Маъмурий бошқарма ходимлари сони 257 кишига қисқартирилди. Ёрдамчи ишчилар сони ҳам кескин камайтирилди.

Қурилиш-монтаж ишларининг муваффақиятли бажарилиши трест составидаги 3-йирик панелли уйсозлик заводи коллективининг қай даражада ишлашига боғлиқ эди. Чунки бу завод қурувчиларимизни бинокорлик материаллари билан таъминлаб турадиган бирдан бир корхона эканлигини ҳаммамиз биламиз. Заводда бинокорлик материаллари тайёрлашни тезлаштириш ва сифатини яхшилашга оид бир қатор ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш тақозо этилди. Шу мақсадда санитария-техника хоналари ҳамда ташқи девор панеллари тайёрлашда конвейер усули жорий этилди.

Трестнинг ишлаб чиқариш-технологик комплектация бошқармасида линолнумни юқори частотали электр токи билан пайвандлайдиган махсус цех ишга туширилди. Бу тадбирлар қурилиш суръатини тезлаштириш билан бирга йилига 68 минг сўмлик шартли иқтисодий фойда берадиган бўлди.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг қатъий назорати остида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, прогулни тугатиш, ҳар бир иш соатидан унумли фойдаланиш учун кураш бошлаб юборилди. 1972 йилнинг дастлабки ойларида амалга оширилган ана шу тадбирлар тез орада ўз натижасини кўрсатди. Биринчи квартал якуни коллективда катта ишонч туғдирди. Йил охиригача иш суръати сусайтирилмай, биринчи марта капитал қурилиш плани муваффақиятли бажарилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантириш тўғрисидаги қарори барча коллективлар қатори бизнинг трестимиз қурувчиларини ҳам юксак марралар сари руҳлантириб юборди. Трестимиз коллективи қизғин бошланиб кетган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1973 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.

Юксак мажбуриятни тўла бажариш учун 1972 йилги тажрибанинг ўзи кифоя қилмасди. Бунинг учун қатор ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш лозим эди. Йил бошиданоқ қурилишни бошқариш методи янада такомиллаштирилди. Поток усулида қуриш графиги асосида иш юритилди. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг илғор формаси жорий этилди. Қурилиш машиналари ва механизмларидан унумли фойдаланиш назорат остига олинди. Бошқарма, қурилиш участкаси, бригада ва илғор бинокорлар ўртасида социалистик мусобақа қизғин авж олдириб юборилди. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини мунтазам кузатиб бордилар. Ҳар ойда ва ҳар квартал охирида мусобақаларга якун ясалиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб турилди.

Айрим қурилиш участкаларида злобинчилар ҳаракатининг ҳам издошлари пайдо бўлди. Биринчи бўлиб Вячеслав Якубович бошлиқ бригада аъзолари Злобин методи билан ишлашга қатъий қарор қилдилар. Владимир Демидов бошлиқ монтажчилар ҳам бу ташаббусга эргашдилар. Тез орада улар сафига яна икки бригада қўшилди. Бу бригадаларнинг иш натижалари шуни кўрсатдики, Злобин методи қурувчиларни мунтазам изланишга, ижодий меҳнат қилишга ундайди. В. Якубович бошлиқ бригадада меҳнат унумдорлиги 12—14 процентга ошди. Объектларни фойдаланишга топшириш муддати қисқарди, қурилиш таннархи арзонлашди. Кўплаб бинокорлик материаллари тежаб қолинди. Натижада бригада аъзоларининг ҳар бири 400 сўмдан зиёдроқ қўшимча мукофот пули олди.

Бир сўз билан айтганда, йил бошидан амалга оширилган ташкилий-техник тадбирлар кўтилганидан ҳам зиёд натижа берди. Бош пудрат бўйича йиллик план 105,7 процент қилиб бажарилди. Трестимиз қурувчилари кучи билан пландан ташқари 1 миллион 222 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, йиллик план 110,3 процент қилиб адо этилди. Меҳнат унумдорлиги эса пландагига нисбатан 108,1 процентни ташкил этди. Қурилиш-монтаж ишларининг сифати ҳам анча яхшиланди. Жаъми объектнинг 82 проценти фақат яхши ва аъло баҳоларда фойдаланишга топширилди. Йирик панелли уйларни қуриб битказиш норматив плани бир ойга қисқарди.

«Жилстрой» трести СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақа якунига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг юбилей дипломи билан мукофотланди. Ҳал қилувчи йилдаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлигимиз учун трестга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи берилиши ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимларни янги зафарлар сари илҳомлантиради.

Коллективимиз бу йил нишонланадиган жонажон республикамиз ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик олтин тўйини зарбдор меҳнат билан нишонлаш учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Белгиловчи йилда қурилиш-монтаж ишлари планини 20 декабргача тўла бажариб, планга қўшимча 500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширмоқчимиз. Октябрь байрамигача камида 100 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, поток усулида қуриш графигини жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг энг фойдали усулини қўллаш, қурилиш машиналари ва механизмларидан унумли фойдаланиш ҳисобига иш унумдорлиги пландагига нисбатан 0,2 процентга оширилади. Пландан ташқари 20 минг сўмлик соф фойда олинади.

Бу юксак мажбуриятни тўла бажариш учун йил бошиданоқ ҳар бир бошқарма, қурилиш участкаси, бригада ва илғор бинокорлар ўртасида социалистик мусобақа қизғин авж олдириб юборилди. Шунингдек, коллективимиз ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари янгиллик билан «Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трести коллективини социалистик мусобақага чақирди.

ЦЕХ БОШЛИҒИ

Кенг яғринли, буғдой ранг, бу йигитнинг гаплари аниқ, бурро-бурро.

Сиртдан қараш биланоқ бу йигитни ҳар бир ишни шошмай, ўйлаб қилишини дарҳол пайқаб олиш мумкин. Омонулла ёшлигидан пишиқ-пухта бола эди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, политехника институтига кирди. Кўп ўқиди, ўрганди.

Студентлик даври ҳам тугади. Мустақил ҳаётга қадам қўйилди. Серташвиш йиллар бошланиб кетди. Уни Янгийўлдаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасига қарашли вино заводига ишга юборишди. Омонулла дастлаб инженер бўлиб ишлади. Хулқ-атвори ишчанлиги билан қисқа вақт ичида коллектив ўртасида обрў орттирди. Топширилган вазифани сидқидилдан бажарди. Ишлаб чиқариш билан чуқурроқ шуғулланди, машина тилини зеримай ўрганди. Вақти келганда уларни бошқаришди ҳам.

Бир куни завод директори Отахон Абдуназаров ва бош инженер Турсун Каримов Омонуллани чақириб, «Пунктга сизни мудир қилиб тайинлашни лозим кўряпмиз» деб қолишди.

— Буниси қандоқ бўлди?— оғирлик билан, деди инженер, — Сизларни ерга қаратиб қўймасмикинман?

— Сиз талабчансиз, кўрқманг, уддалайсиз, — деди директор.

Орадан чамаси икки ҳафта ўтди. Омонуллани шу заводга қарашли Калинин районидаги «Дамачи» совхозидаги узумларни қайта ишлаш пунктининг мудири қилиб тайинлашди. Янги мудир янгича иш тутди. Хўжаликлар билан алоқаларни мустаҳкамлади, маҳсулот ташиб келтиришни тезлаштирди. Кўп ишлар механизациялашди. Қисқа вақтда пункт областдаги энг йирик, илғор пунктлардан бирига айланиб қолди.

Омонулла ишни билимга суянган ҳолда олиб борди. Илмий иш билан ҳам шуғулланди. Институт аспирантурасига сиртдан ўқишга кириб, муваффақиятли тамомлади. Ўттиз ёшида техника фанлари кандидати илмий даражасини олди.

Бундан бир неча йил олдин Омонулла Саъдуллаевични Пахта посёлкасида жойлашган цехга мудир қилиб юборишди. Дастлаб анча қийин бўлди. Узумни қайта ишлайдиган цех тугатилиб, унинг базасида олма цехини ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Бу иш билан министрлик, бошқарма, завод маъмурияти кўп шуғулланди. Барибир ғўрликнинг кўпи цех бошлиғининг зиммасига тушди. Сабаби ,бундай цех илгарига республикамизнинг бирон жойида ташкил этилмаган эди. У ишга дадиллик билан енг шимарди. Олма шарбати тайёрлайдиган цехларни кўздан кечириш мақсадида Украинага, Болтиқ бўйи республикаларига борди. Мутахассислар билан гаплашди.

Цех учун машиналар йўқ эди. Айниқса, узум цехини олмаларни майдалаб, шарбатини сиқиб оладиган машиналар билан алмаштириш амри маҳол эди. Шундай бўлса ҳам топшириқ аниқ; ҳар қандай шароитда, пишиқчилик бошлангунга қадар цехни катта реконструкция қилиб ишга туширш керак. Икки-уч ой ичида беш-олти ойлик ишни бажариш лозим. Агар шундай қилинмаса колхоз, совхоз боғларида етиштирилган минг-минглаб тонна олма ўша жойнинг ўзида нес-нобуд бўлиб кетиши турган гап. Буни Омонулла чуқур ҳис этди. Сирдарё, Баландчақир ва бошқа пунктларда чиқиндига чиқарилган машиналарнинг эҳтиёт қисмларидан машиналар яратилди. Аввал цех бир сменада ишлади. Кунига 15—20 тоннадан олмани қабул қилди. Кейинчалик иш уч сменага кўчирилди. Машиналарнинг унумдорлиги ортди. Шундай қилиб, ҳар куни хўжаликлардан 40—50 тоннадан олма қабул қиладиган бўлиб қолди. Набижон Ҳамзаев, Иван Паримов, Александр Белоусов, Жаъфар Шерназаров, Мария Крикова каби тиниб-тинчимас мутахассислар кунни тунга улаб меҳнат қилишди. Борган сари машиналарнинг ускуналари янгиланиб борди.

Ўша йили (бундан уч йил олдин) областнинг колхоз-совхозларидан келган 5 минг тоннадан зиёдроқ олма қабул қилиниб, ундан мазали шарбатлар тайёрланди.

Цех коллективи изланишни давом эттирди. Маҳсулот қабул қилиш бир минг тоннага кўпайди. Ўтган йили цех олти минг тонна олмани қайта ишлаб, планини тўрт баробардан зиёдроқ қилиб бажарди. Бунинг эвазига цех ярим миллион сўмга яқин соф фойда қилди.

Мавсумдагидек ҳозир ҳам цехда иш қизғин. Ишчилар, мутахассислар, монтажчи ва слесарлар машиналар ремонтини тезлаштириб, янги ҳосил қабул қилишга ҳозирлашаяпти. Янги агрегатлар ўрнатишиб, цехни кенгайтиришаётир. Мамлакатимиз саноат корхоналарида, шунингдек Польша Халқ Республикасида тайёрланган машиналар келтирилиб қурилаяпти. Бу эса цехдаги барча ишларни тўла автоматлаштириш имконини беради. Меҳнат унумдорлигини икки баробарга кўпайтиради. Цех бу йилдан бошлаб биргина олма шарбати тайёрлаш билан чегараланиб қолмайди. Айни бир вақтда олхўри, олча, шафтоли ва бошқа меваларни ҳам қайта ишлашга ўтади.

— Партия Марказий Комитети партияга, совет халқига Мурожаатида, — дейди цех бошлиғи Омонулла Масудов, — беш йилликнинг тўртинчи йилида яқада зўр ғайрат билан ишлашга эътиборимизни қаратди. Биз партиямиз Мурожаатини асосий иш программамиз, деб ҳисоблаймиз. Умумхалқ социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарамиз. 1974 йилги план топшириқларини, зиммага олган мажбуриятларимизни муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш учун барча чора ва тадбирларни кўрамиз.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»-нинг мухбири.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЁШ ЛЕКТОРЛАР МАКТАБИ

Шаҳар партия комитети ҳузурида ташкил этилган ёш лекторлар мактаби машғулотлари бошланди. Машғулотларда юздан ортиқ комсомол ва ёш активлар иштирок этмоқдалар. Биринчи машғулотда шаҳар партия комитети секретари Н. К. Савченко «КПСС XXIV съезди ва ҳозирги босқичда идеология ходимлари олдида турган вазифалар» тўғрисида доклад қилди. Машғулотларни ўтказишга олимлар, тажрибали лекторлар ва мутахассислар жалб этилмоқда.

О. ЛЕВАК,
Чирчиқ шаҳри.

БИЛИМ ЮРТЛАРИГА МАРҲАМАТ

«Юнусобод» массивининг Аҳмад Дониш кўчасида жойлашган янги 129-ҳунар-техника билим юрти машғулотлари 1 апрелдан бошлаб юборилади. Янги очилган билим юртига 300 йигит-қиз қабул қилинди. Улар ўқишни тамомлагач, меҳмонхоналарда, ресторанларда меҳнат қиладилар. Билим юртини тамомлаган ўқувчиларнинг дастлабки партияси янги «Ўзбекистон» меҳмонхонасига ишга таклиф этилади.

Энгельс кўчасида жойлашган 127-ҳунар-техника билим юрти эса модалар ательесида ишловчи кадрлар тайёрлаб чиқаради. 1974—1975 ўқув йили учун билим юртига 200 га яқин йигит-қиз қабул қилинди. Бундан буён ҳам ҳунар-техника билим юртлари сонини янада кўпайтириш ва ёшларга ҳунар ўргатишни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Т. ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳри.

ЦЕХЛАРДА КОНЦЕРТ

8-мактаб ўқувчилари авторемонт заводи цехларида тез-тез бўлиб турадилар. Улар бу ерда қизиқарли программада тузилган концертлар билан корхона ишчиларини мамнун этадилар.

Завод мактабни ўз оталиғига олган. Янги ўқув йили арафасида синфхоналарни ишчилар ремонтдан чиқариб беришди. янги қурилишлар учун материал ва ишчи кучлари етказиб беришди, устахонани сифатли жиҳозлашди. Мана энди, мактаб ўқувчилари бу меҳрибонликка жавобан цехларга келиб, ўз ота-оналарига дам олиш соатларида концертлар қўйиб бермоқдалар.

Ф. ПЕТРОВ,
Ангрен шаҳри.





Тошкент трактор йиғув заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан белгиловчи йил планини муддатидан илгари 20 декабрда бажариш ва планга қўшимча 500 та трактор ва 100 та прицеп ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Илғор коллектив оширилган социалистик мажбурият шартларини тўла бажариш учун ҳозирданоқ пухта замин тайёрламоқдалар. Социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган ишчилардан Р. Ғозиев, В. Вахрамов, Ю. Балакировлар кунига 100 тадан тракторни буюртмачиларга етказиб беришга улгурмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ОМАДНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ

Таласбой ака Ғазатов ўрта бўйли, елкадор, барваста жуссали деҳқон. Содда, ўйчан ва камгап. Сўзлаётганда мақтанишни ёқтирмайди, қирқ ўлчаб бир кесади. Аммо Таласбой Ғазатов тенгқурлари орасида ҳам, ўзидан кичиклар ўртасида ҳам кўкрак керишга ҳақли. Таласбой Ғазатов эндиликда Жалойир қишлоғидагина эмас, балки бутун «Ленинобод» колхози аъзоларига маслаҳатгўй, пахтакорларга талабчан устоз саналади.

Таласбой колхоз далаларида кўп йиллар фидокорона тер тўкиб, миришкорликнинг миридан сиригача тўла эгаллаб олди. Хўжаликда деҳқончилик маданиятини юксалтиришда айниқса, пахта ҳосилдорлигини оширишда салмоқдор ҳисса қўшди. 1953 йилда жалойирлик заршунослар Таласбой акани бригада бошлиғи қилиб сайладилар. Беш йил давомида бригадада пахта тайёрлаш планлари мунтазам равишда ошириб адо этилди.

Таласбой Ғазатов бошлиқ бригада аъзолари кейинги тўққиз йил ичида экин майдонларини 60 гектарга кенгайтирдилар. Ҳосилдорликни садкам икки ҳисса ошириб, машина теримига кенг йўл очдилар. Бу муваффақиятлар техникадан ва сувдан самарали фойдаланиш, айниқса, маҳаллий ўғитнинг қадрига етиш орқали қўлга киритилди.

Ҳаракатда баракат, дейдилар. Азамат меҳнатсеварлар даласида сўнгги беш йилдан буён пахта ҳосилдорлиги 39 центнердан пастга тушган эмас. Бултурги кўрсаткичлар янада қувончли бўлди. 96 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 50,2 центнердан хирмон кўтарилиб, мамлакат омборларига халқ хўжалик планига қўшимча равишда 155,5 тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. Бу билан бригада донгдорлари «оқ олтин» ҳосилдорлиги бўйича колхозда биринчи, райондаги бригадалар орасида эса иккинчи ўринни эгаллаш шарафига муяссар бўлдилар.

Ўтган йили Таласбой ака бошлиқ бригада заршунослари пахтанинг асосий қисмини биринчи сортларга сотгаилиги, ҳосилнинг 90 процентини терим агрегатлари бункеридан бўшатганлиги натижасида колхознинг молия планида белгиланган 89 минг сўм ўрнига 165 минг сўмлик даромад эгаси бўлдилар, колхозга катта соф фойда келтирдилар. Жами ҳосилни етиштириш учун 42 минг сўм ўрнига 16 минг сўм сарфланганлиги туфайли бригадада ҳар иш куннинг қиймати пландаги 3 сўм 20 тийин ўрнига 8 сўм 64 тийинга тўғри келди. Даромаднинг 3 минг сўми меҳнат ҳақига тақсимланди. Колхозчилар йил давомида олган асосий меҳнат ҳақларининг ҳар сўми ҳисобига 1,04 тийиндан мукофот пули олдилар. Ҳар колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи 120—180 сўмни ташкил этди. Механизатор Маматқул Фозилов, Фахриддин Эгамбердиев, сувчилардан Холбой Абдусамадов, Нишон Ҳамроев, Мамат Қодиров, Самад Эргашев, Одил Турбоев, ғўза парваришида яхши ишлаган Турдихон Қодирова, Ҳоли Умаралиева, Бувниса Қўзиева каби меҳнатсеварларнинг даромади янада кўп бўлди. Бригаднрнинг ўзи турмуш ўртоғи Фотима опа билан ҳалол меҳнатлари эвазига 2500 сўм пулни нақд санаб олдилар.

Т. Ғазатов бошлиқ бригада деҳқонлари тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар ердан кўтариладиган хирмонни 55 центнерга етказиш учун курашаётирлар. Коллективда техника жиловкорлари далаларга маҳаллий ўғит чиқариш ишларини уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Ҳар гектар ерга 17 тоннадан гўнг ва суперфосфат солиш тўғрисидаги мўлжал эгалланиш арафасида. Ҳамма ишда бош-қош бўлган отахон бригадирнинг хизматлари муносиб тақдирланди. Унинг кўксида қўша-қўша медаллар ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени порлайди.

Яқинда Таласбой ака Ғазатов оиласига яна бир қувонч келди. У Ленин ордени билан мукофотланди. Бу қувонч колхоз меҳнаткашларини ҳам бениҳоя қувонтирмоқда. Юксак мукофотдор доигдор бригадир ва у бошлиқ машъал коллектив пахтакорларининг кучларига-куч, ғайратларига-ғайрат қўшаётир.

С. РАСУЛОВ,
Оққўрғон райони.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

ПЛАНЕТАНИНГ ҲАММА ЧЕККАЛАРИГА

✦ **ФРУНЗЕ.** «Киргизавтомаш» заводининг коллективи ГДР, Чехословакия, Венгрия, Польша, Болгария, МХР, Сурия, Мали ва Эронга радиатор ҳамда иситгичлар жўнатди. Экспорт учун маҳсулот тайёрланадиган цехда юқори малакали усталар билан таъминланган махсус участка очилган.

Бугунги кунда жаҳондаги 45 мамлакат «Киргизавтомаш» билан савдо-сотиқ олиб бормоқда. Пойтахтдаги корхона маркаси қўйилган буюмлар КХДР, ВДР, Швеция, Афғонистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Бирма, Покистон, Жазоир, Кубада яхши таниш. Заводнинг савдо-сотиқ маршрутлари планетанинг қариб ҳамма чекка-ларигача тортилиб боради.

Шу йил чет мамлакатларга радиатор ва бошқа маҳсулотлар сотиш 1973 йилдагига нисбатан учдан бир ҳиссадан зиёд кўпаяди.

ҲИСОБДОН МАШИНА ВА ОМИХТА ЕМ

✦ **ОЛМАОТА.** Республика тайёрлаш министрлигининг Олмаотада очилган информацион ҳисоб марказига республиканинг ҳамма омихта ем заводларига хизмат кўрсата бошлади. Бу ерда ўрнатилган «Наири» электрон-ҳисоб машинаси омихта ем рецептини тузиб бермоқда.

Семипалатинск, Чимкент ва бошқа шаҳарлардан омихта ем тайёрлаш учун қандай хом ашё борлиги, қандай маҳсулот чиқарилмоқчи эканлиги тўғрисидаги дастлабки маълумотлар телетайплар орқали юбориб турилади.

Электрон-ҳисоб машинаси 4—5 минут ичида энг мақбул рецептни тузиб, омихта ем тўйимлилиги ва нархини белгилаб беради. Машина емни 10 хил кўрсаткич бўйича анализ қилади, ҳом ашёдан рационал равишда фойдаланишга ёрдам беради, маҳсулот таннархини арзонлаштиради. Илгари рецепт тузиш билан банд бўлган лаборантлар ва мутахассисларнинг бир қисмини бошқа ишларга ўтказиш мумкин бўлади.

«ДУНЁ ТОМИ»ДАГИ ЗАВОД

✦ **ЎШ.** Тез орада Помирда катта асфальт-бетон заводи пайдо бўлади. Помир тракти бошқармасининг коллективи 4 километрли баландликда шундай завод қуришга киришди.

Кейинги вақтларда Қирғизистон йўл қурувчилари Ўшхоруғ баланд магистралида 300 километрдан зиёд йўл бетига асфальт қоплаб чиқдилар. Бу ишлар бирмунча четкис жойларда олиб борилди. Ҳозир йўл қурувчилар энг тик йўлларга асфальт ётқизишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ярим йилдан сўнг ишга тушириладиган янги корхона қурувчиларни махсус қоришма билан таъминлаб туради. Ҳар куни Оқбантал, Толдиқ ва бошқа довонларга қоплаш учун 300 куб метр чамаси асфальт етказиб бериб турилади.

ШАҲАРДАГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР БИЛАН

✦ **РЕГАР.** Тожикистондаги Ленин номли колхозда яна 60 та типовой уй қуриб битказилгач кишиларни шинам уйларга кўчириб ўтказиш поёнига етди. Энди республикадаги шу илғор хўжалик 2127 оиласининг ҳаммаси шаҳардаги қулайликлар—электр, газ ва водопроводга эга бўлган уйларда яшамоқдалар.

Уйлар иссиқ иқлим ва миллий анъаналарни назарда тутиб қурилган. Ҳар бир уйда 3—5 тадан хона, айвон, кенг меҳмонхона ва албатта болалар хонаси бор. Хўжаликда 14 та мактаб, шу жумладан 6 та ўрта мактаб бор, буларда 3600 бола ўқимоқда. Шунингдек маиший хизмат уйи, ҳаммом, 13 та магазин ишлаб турибди.

Ленин номли колхоз йилдан йилга мўл пахта, дон, ёронгул ва озуқа экини ҳосили олиб турибди. Колхоз ҳар йили маданий-маиший эҳтиёжларга 500 минг сўмдан ошиқ сарфлайди.

ЯНГИ НАВ БОДРИНГ

✦ **ДУШАНБЕ.** Тожикистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими З. П. Козлова «Кузги ҳисори-8» серҳосил бодринг янги навини чиқарди. Янги нав бир неча навларни дурагайлаш методи билан синтез қилинди. Ёзда экилганида гектар бошига 250 центнердан зиёд бодринг беради. «Кузги ҳисори» институт экспериментал хўжалигининг далаларида қўпайтирилмоқда ва республиканинг катта сабзавотчилик базаси — марказий Тожикистон колхоз ва совхозларида экишга тавсия қилинади.

З. П. Козлова Тожикистон далаларида етиштирилаётган сабзавот ва қовун-тарвузлар бир неча навининг авторидир.

(ТАСС).



СУРАТДА (чапдан): Чиноз матлубот жамияти раиси С. Қосимова ва универмаг директори Х. Соатова ўртоқлар савдога чиқарилган моллар сифатини кўздан кечиришмоқда.

А. Абалян фотоси.

РАИСА

ЛАВҲА

Шаҳарлараро қатновчи автобус кенг асфальт йўлдан шамолдек елиб боради. Йўлимизда навқирон шаҳарлар, обод қишлоқ ва посёлкалар, қиш уйқусида сокин мудраган дала ва боғлар учрайди ва бир нигоҳ ташлаб улгурмаёқ ортда қолиб кетади. Янгийўл... Пахта... Олмазор... Вақт ҳам тез ўтяпти. Ҳадемай, Чинозга — янги район марказига кириб борамиз...

Боядан бери автобус деразасидан мароқ билан томошалаб кетаётганимни кузатаётган бир кекса кулимсираб гап қотди.

— Бу томонларга биринчи юришингизми, ўғлим?

— Йўқ, отахон, кўп бўлганман, негадир ҳар гал шу йўллардан ўтсам, завқ оламан.

— Ҳа, ўғлим, гапингиз тўғри. Ҳозир ҳаммаёқ кўркам ва обод бўлган. Боққан саринг дил овунади. Турмушимиз файзли.

Кекса кўнглимдаги гапларни гўё ўсмоқчилаб билиб олгандек қизғин баҳс боғларди. Мен уни эътибор билан тинглар, кўпни кўрган нуроний чеҳрасидан кўз узмай ўтирардим. Уйноқи хаёллар у ҳақда ўйлашга мажбур этарди.

Ота табаррук ёшга бориб қолганига қарамай ҳали бардам, юз-кўзидан нур ёғилади. Бундайларни элда «яхши қарибди» ҳам дейишади. Унинг забардаст қадоқ қўлларига разм соламан. У не-не меҳнатни кўрмаган, офтобда қорайган кенг яғринлари не-не саратон иссиқларига, қаҳратон қиш изғиринларига бардош бермаган, дейсиз. Балки, у чўллар бағрида канал очиб, сув чиқарган, қўриқ очиб, пахтадан рекорд хирмон уйган, катта-катта ишларга бош-қош бўлган табаррук одамдир. Ҳамроҳимнинг «Меҳнат инсоннинг кўрки, ўғлим. Меҳнатни суйган доим имкон қидиради, дангаса одам баҳона қидиради»— деган гаплари сира эсимдан чиқмайди.

Автобус Чиноз гузарига келиб тўхтаганда кекса билан хайрлашдик. У бизни ўзи ишлаётган колхозга таклиф этди. Ажиб хушнудлик, мамнунлик барқ уриб турган чеҳрасидан бизга айтмоқчи бўлган кўпгина яхши гаплари борга ўхшарди.

...Раиса опа бизни идора бўсағасида кутиб турарди. Салом-аликдан сўнг у бизни ўз хонасига бошлади. Асосий бинога янги қўшиб солинган бу хона чоргина, ёруғ ва шинам эди. Ҳамма нарса аёллар дидига мос жой-жойида, тартибли. Сиддиқа Қосимова юқоридаги ўз ўрнига ўтиб улгурмасидан ўнг ёнбошдаги телефонлардан бири жиринглаб қолди. У аста трубкани кўтарди.

— Лаббай, Қосимова эшитади?!.. Ҳа, ўзим. Нима? Автолавка қачон боради, дейсизми?!. Эй, сизларни эсдан чиқариб бўладими, ахир? Бугун базадан яхши моллар олдик, эртага тушда автолавка сизларга боради. Одамларингизни хабарлаб қўйинг, меҳнат пулларидан дурустроқ олиб келишсин!— Алло... алло! Гўшт плани нима бўлди, тунов кун раисларингиз бугун-эрта бажарамиз, деяётган эди... Нима?... Бажардик?.. Ундай бўлса жуда соз. Хайр... Соғ бўлинг!— Сиддиқа Эргашевна трубкани жойига қўяркан, бизга маъноли қараб қўйиб, суҳбатга чоғланди:

— Орджоникидзе район матлубот жамияти тажрибаси асосида жойларнинг ўзида қишлоқ аҳолисига савдо хизмати ташкил этганмиз. Ўтган йили бу тадбир яхши самара берди. Унга яқин автолавка чигит экиш, ғўза чопиғи ва айни йиғим-терим кезлари бевосита хирмонларда, қабул пунктларида пахтакорларга савдо хизмати кўрсатди. Яқиндан бошлаб кўчма дўконларимиз чорвадорларга ҳам хизмат кўрсата бошлади. Автолавкаларни чорва қишловини намунали ўтказаётган хўжаликларга биринчи галда юбораётирмиз. Улар бу ишимиздан жуда мамнун, чунки овора бўлиб марказга келиб юришмайди. Бундан ташқари хўжаликларда алоҳида мол тушириладиган омборчалар ажратилаяпти. Бу ерга келадиган моллар район ижроия комитети орқали ишлаб чиқариш илғорларига мукофот сифатида тарқатилаяпти. Дам олиш кунлари эса, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида турли ярмаркалар ташкил этилаяпти.

Раиса сўзида давом этарди.

Суҳбатга эътибор билан қулоқ солиб ўтириб, ногаҳон боя автобусда бирга келган кексанинг «Меҳнатни суйган доим имкон қидиради...» деган гаплари ёдимга келди. Жуссасидан ғайрат, шижоат ёғилиб турган бу аёл билан қизғин баҳсимиз давом этган сари унинг инсоний фазилати, раҳбарликка хос хислатлари намоён бўла борарди.

Сиддиқа Қосимова — каттагина оиланинг бошлиғи. Беш фарзанди бор. Катталари ўзларини эплаб қолишган. Тўнғич ўғли Шовкат нонвойхонада экспедитор, Сапура ва Арофат институтни битириб келиб, мактабларда дарс беришаяпти. Қолганлари ўқишда. Кўп ўтмай Тошкентдан бирлари врач, бирлари юрист бўлиб қайтишади. Ҳавас қилса арзигудек бахтиёр оила. Лекин жўжавурдек оила тарбияси Сиддиқа опа учун осон бўлмади. Ёш оила жиддий синовга дуч келди. У кетма-кет отаси, турмуш ўртоғи ҳамда укасидан бевақт жудо бўлди. Энди ишламай туролмасди, чунки, бутун оила ташвиши, болалар тарбияси ёлғиз унинг бошида эди.

Ҳаёт тақозоси билан у 1957 йилда кичик бир озиқ-овқат дўконига оддий сотувчи бўлиб ишга жойлашди. Ғайратли, чаққон ва хушмуомала ёш сотувчи тезда ҳурмат ва эътибор топди, коллектив ишончини оқлади. Уни 1959 йилда КПСС сафига қабул қилишди. Кўп ўтмай Сиддиқа Қосимова мазкур магазинга мудирлик қила бошлади.

Кунлар тунларни, йиллар ойларни қувалаб ўтди. 1972 йилнинг марти — кооперация аълочиси Сиддиқа опа ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди. Унга катта ишонч билдирилиб, Янгийўл район матлубот жамиятига раис қилиб сайланди. Ҳозир у янги ташкил этилган Чиноз район матлубот жамиятига раислик қилмоқда.

— Районимизнинг 72 минг аҳолисига ҳозир 141 та магазин ва дўкон, 80 та умумий овқатланиш корхонаси хизмат кўрсатмоқда,— дейди С. Қосимова.— Ёғоч склади район хўжаликларини кўмир, турли қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминлаб турибди. Область матлубот жамиятининг ўртоқ К. И. Шилдаева директорлик қилаётган Октябрь базаси аҳолининг зарур товарларга бўлган талабини қондиришда бизга яқиндан кўмак беряпти.

...Хонада кетма-кет яна телефон жиринглади. Матлубот жамиятининг раиси жавоб қайтариб, суҳбатда давом этди.

— Қишлоқ меҳнаткашларига янада юксак маданий савдо хизмати кўрсатиш учун ҳали яна кўп иш қилишимиз керак. Аввало, кадрларни танлаш ва тўғри жой-жойига қўйиш муҳим масала. Савдо точкаларимизда ҳозир тўрт олий маълумотли, 30 ўрта маълумотли сотувчи ишламоқда. Кўплар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда институтларда ўқишаяпти.

Районда савдо тармоқлари тез кенгайиб бормоқда,— дейди у девордаги схемага ишора қилиб.— Яқингинада Чиноз марказида янги хўжалик моллари магазини «Дўстлик» кафеси, «Қизил Октябрь» колхозида «Баҳор» кафеси, Охунбобоев номли колхозда хўжалик моллари магазини, 500 тонна маҳсулот қабул қилиб оладиган пункт ва ҳоказолар ишга туширилди. 15 га яқин магазин кенгайтирилиб, янги турли дўконлар очилди. Ана шу тадбирлар туфайли ўтган йили 1972 йилдагига нисбатан товароборот ҳажми тўққиз процентга ёҳуд 2 миллион 600 минг сўмга ортди.

Сиддиқа Эргашевна бу йил қилинадиган ишлар ҳақида алоҳида мамнуният билан ҳикоя қилди. Раисанинг гапларига қараганда беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йилида катта қурилиш ишлари планлаштирилган. Районда «Мингчинор» ресторани, 1000 тонна сабзавот сақланадиган йирик омбор қурилади. Матлуботчилар бу йил зиммаларига аҳолига 170 миллион сўмлик маиший-савдо хизмати кўрсатиш мажбуриятини олишган.

— Партиямиз даъватидан руҳланган байроқдор коллективимиз умумхалқ мусобақасини янада авж олдириб,— дейди сўзининг охирида С. Қосимова.—1974 йил планини ва қабул қилинган мажбуриятни муддатидан илгари ошириб адо этади ва Ватанни янги меҳнат зафарлари билан қувонтиради.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

Жаҳон янгиликлари

БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

БУЭНОС-АЙРЕС. 14 февраль. (ТАСС). СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосари А. Н. Манжуло бошчилигидаги Совет ҳукумати савдо-иқтисодий делегацияси Аргентина вакиллари билан олиб борган музокаралари натижасида бу ерда Совет Иттифоқи билан Аргентина ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги битимлар имзоланди, жумладан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги, шунингдек Аргентинага совет машиналари ва ускуналарини етказиб бериш тўғрисидаги битимлар тузилди. Ҳужжатларни совет томонидан делегация бошлиғи, СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосари А. Н. Манжуло; Аргентина томонидан ташқи ишлар ва дин министри Альберто Виньес, шунингдек экономика министри Хосе Хельбард имзоладилар.

Битимларни имзолаш тантанали маросимида Аргентина республикасининг президенти Хуан Доминго Перон ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

ҚЎШМА МАЖЛИС

БЕЛГРАД. 14 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда Югославия Коммунистлар Союзи президиуми билан Югославия касаба союзлари союзи кенгаши президиумининг қўшма мажлиси очилди.

ЮКС президиуми ижроия бюросининг секретари С. Доланц раислигида ўтаётган бу мажлисда янги конституция асосида ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш ишида ЮКС билан касаба союзларининг вазифалари кўриб чиқилмоқда. Мажлисда Югославия касаба союзлари марказий кенгашининг раиси Д. Петрович доклад қилди.

ЧИЛИ ХАЛҚИ ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ

Жаҳон жамоатчилиги Чили хунтасининг қонли ёвузликларини лаънатламоқда. Сиёсий партиялар, меҳнаткашлар, ёшлар ва жамоат ташкилотларининг бирлашмалари ҳарбийлар бошлаган репрессиялар тўхтатилишини, Чили ва халқаро Коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Чили Коммунистик партиясининг бош секретари Луис Корвалан ва чилилик бошқа ватанпарварларнинг озод қилинишини талаб этмоқдалар.

СОФИЯ. Болгарияда чиқадиган «Труд» газетаси Болгария Касаба союзлари жаҳондаги ишчилар ҳаракати билан бирга хунтанинг жиноятларини лаънатлайди, деб таъкидлайди. Болгария касаба союзлари чилилик барча ватанпарварларга қардошларча жанговар салом йўллайдилар, Чили Компартиясининг бош секретари Луис Корвалан ва бошқа сиёсий ҳамда касаба союз раҳбарлари дарҳол озод этилишини талаб қиладилар.

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг ишчи ва деҳқонлари Чили меҳнаткашлари бирлашган касаба союз маркази ташкил этилган кунининг 21 йиллиги муносабати билан бутун мамлакатда ўтказилган митинглар ва намойишларда Чили ватанпарварлари билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар. Халқ бирлиги, атоқли Чили ватанпарварларининг фахрий номи билан аталувчи коллективларнинг аъзолари Луис Корвалан ва чилилик барча демократлар озод қилинишини қатъий талаб этдилар.

ПАРИЖ. Франциядаги касаба союз бирлашмалари — умуммеҳнат конфедерацияси, Франция демократик меҳнат конфедерацияси ва маориф ходимлари миллий федерацияси Чили меҳнаткашлари бирлашган касаба союз маркази ташкил этилган кунининг 21 йиллиги муносабати билан баёнот эълон қилдилар.

Улар чилиликларнинг фашист хунтага қарши курашини актив қўллаб-қувватлашларини яна изҳор қилдилар ҳамда Франциянинг барча меҳнаткашлари ва демократларини чили халқи билан бирдамлик ҳаракатини кенгайтиришга даъват этдилар.

ВЕНА. Генерал Пиночет бошчилик қилаётган қонли режимни ағдариб ташлаш йўлида Чили халқи олиб бораётган курашда унга ёрдам кўрсатиш учун ҳамма ишни қилиш бизнинг бурчимиз, деб ёзади «Фольксштимме» газетаси бош мақоласида. Биз, австралияликлар, деб ёзади газета, Чили Коммунистик партиясининг бош секретари Луис Корвалан ва бошқа сиёсий маҳбуслар озод қилинишини, мамлакатдаги фавқулодда ҳолат бекор қилинишини, отиб ўлдириш ва қийноқлар тўхтатилишини, демократик эркинликлар қайта тикланишини талаб қиламиз.

✦ ВДР. Вьетнам Халқ Армиясининг ҳаво мудофааси жангчилари уруш йиллари даҳшатли техникани мукаммал эгаллаб олишди. Улар душманнинг жуда кўп самолетларини уриб туширишди. Ҳозирги тинч пайтда ракетачилар ўз маҳоратларини ошириб, республика ҳаво чегараларини хушёрлик билан қўриқламоқдалар. Суратда: ракетачилар Нгуен Минь Тиен ва Чан Виет Хоа ўқув машғулотлари пайтида.



В. Будан фотоси,

ТАСС фотохроникаси.

СУИҚАСД ҚИЛДИЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС, 14 февраль. (ТАСС). Аргентина президенти Хуан Доминго Перон билан Уругвай президенти Хуан Мария Бўрдаберрига қилинмоқчи бўлинган суиқасднинг олди олинганлигини Аргентина маъмурлари маълум қилишди. Уругвай президенти 12 февраль куни қисқа муддатли визит билан Аргентинага келиб, шу мамлакатнинг ҳукумати билан бир қанча битимларни имзолаган эди.

Федерал полициянинг бошлиғи Мигелс Анхель Иньигеснинг айтишича, «бир гуруҳ экстремистлар» суиқасд қилишга ҳозирлик кўрган эканлар. Иккала президент ўтиши лозим бўлган кўча яқинидаги уйда полиция портловчи моддалар ва қуроляроғ сақланаётган катта омборни аниқлади, деди у.

Полиция бошлиғи суиқасдни тайёрлаган, деб гумон қилинган аргентиналик ва уругвайлик бир группа гражданлар қамоққа олинганлигини айтди.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Уонгби — Вьетнам шимолидаги унчалик катта бўлмаган шаҳар. Бу ерда Совет Иттифоқи ёрдами билан Вьетнам Демократик Республикасидаги йирик иссиқлик электростанцияси қайта тикланмоқда ва кенгайтирилмоқда.

Электростанциянинг дастлабки икки навбати 1964 йилдаёқ тўла лойиҳа қуввати билан фойдаланишга топширилганди. Америка авиацияси ташлаган бомбалар уни сафдан чиқарди. Электростанция Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни ўрнатиш тўғрисидаги Париж шартномаси имзолангандан сўнг яна ишлай бошлади.

Тинчлик йилининг дастлабки ойларидаёқ Уонгбига совет мутахассислари қайтиб келишди. Мутахассисларимиз вьетнамлик дўстлари билан ҳамкорликда тиклаш ва қурилиш-монтаж ишлари планини тузиб чиқдилар, уларни тугаллаш муддатини келишиб олдилар. Совет тайёрлов заводлари жойларнинг ўзида йирик ҳажмли объектларни Совет Иттифоқига жўнатмай туриб, шу ернинг ўзида ремонт қилиб беришади. Совет инженерларининг таклифи бўйича келаси йили қуввати 50 минг киловатт бўлган блокни ишга туширишга қарор қилинди. Тўртинчи навбат қурилиши тугаллангандан сўнг станция қуввати 1975 йилда 153 минг киловаттга етиши керак.

Уонгбида қурилиш штаби тузилган, у юзага келадиган муаммоларни зудлик билан ҳал этади, графикнинг бажарилишини назорат қилиб боради. Ишни ташкил этишни яхшилаш, меҳнат маблағини қисқартириш ва ниҳоят, ишлар муддатларини қисқартиришда совет мутахассисларининг тавсияномалари ёрдам бермоқда.

Қурилишда социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Объектларда плакат ва шиорлар пайдо бўлди. Ремонт ва тиклаш ишлари ҳозирдаёқ тугалланган объектлар устида ВДР ва СССР байроқлари ҳилпираб турибди.

Мамлакат саноати ва қишлоқ хўжалигини электр энергияси билан таъминлаш бўйича қаҳрамонона меҳнати, асбоб-ускуналарни Америка агрессияси вақтида ҳимоя қилганлиги ва асраганлиги учун Уонгби электростанцияси икки марта Меҳнат ва «Қаршилик кўрсатиш ҳаракати» орденлари билан мукофотланган.

Ўтган йилнинг февраль ойида «Правда»да Уонгбидаги қурилишда совет мутахассислари группасига узоқ вақт бошчилик қилган Владимир Журавлёвнинг мактуби эълон қилинди. У ёзади:


— Уонгби... Ана шу қисқа сўзда мен учун кўп нарса уйғунлашган. У — фақатгина мен учун эмас, балки ўнлаб совет кишилари учун ҳам азиз. Сенинг лойиҳангни ленинградликлар тузишди, барнауллик қозончилар ва ленинградлик металлчилар сен учун ускуна-жиҳозлар тайёрлашди, узоқ шарқликлар ва одессаликлар сени бу ерга олиб келишди, вьетнамлик ишчилар қўли сени бунёд этди... Сенинг оловли кунларинг гувоҳи сифатида мен шоҳидлик бераман: сенинг руҳинг букилмасдир. Уонгби мағрур туради, янада қувватли, мукаммаллашган — бу Вьетнам ва СССР қардошлигининг рамзидир.

Қардош халққа, Вьетнамга кўрсатилган интернационал ёрдам учун орденлар билан мукофотланган совет мутахассислари: Владимир Журавлёв, Барнаул қозон заводининг катта инженери Валентин Проценко, «Теплоэлектропроект» Бутуниттифоқ давлат лойиҳалаш институтининг Ленинград бўлими катта инженери Александр Зборовский ва бошқалар яна шу ерда ишламоқдалар.

Вақт ўтиши билан Уонгбидаги иссиқлик электростанцияси лойиҳа қувватига етади. Унинг олтин шуълалари Совет-Вьетнам дўстлигининг янги рамзи бўлиб порлайди.

Ю. ЧУРЬЯНОВ,
АПН махсус мухбири.

✦ КУБА ўқув юртларида ҳозир 2,5 миллиондан ортиқ киши ўқимоқда, 1973 йилнинг ўзида таълим системаси эҳтиёжлари учун 700 миллион песо маблағ сарфланди. Халқ Кубасида сўнгги икки йил мобайнида ялпи бошланғич таълим амалга оширилди. Суратда: Гавана вилоятидаги ўрта мактаб.



Пренс-Латин-ТАСС фотоси.

МЕҲНАТ ҚАДРИ

Деҳқоннинг ризқи-рўзи ерда. Ерга меҳр қўйиб, ундан олтин ундираётган, элда бахт-эътибор топаётганлар орасида Абдували Расулматов ҳам бор. У ўттиз йилдан бери колхозда ишлайди, ҳалол меҳнати, катта тажрибаси орқасида пахтадан юқори ҳосил етиштириб келмоқда.

Дастлаб бригада бошлиғи бўлган йилларида ҳар гектар ердан 17 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, кейинчалик экин майдонини кенгайтириш, қўриқ ер ўзлаштириш, тупроқ унумдорлигига алоҳида эътибор бериш туфайли кўпроқ ҳосил ола бошладилар. Қишлоқ хўжалигида техниканинг роли ортди. Ҳар бир иш техника кучи билан бажариладиган бўлди.

Олдинлари экин майдонлари кичик-кичик карталардан иборат эди. Бу ерда трактор ишлатиш, пахтани машинада териш анча ноқулай эди. Кейинги йилларда ана шу майда карталар бирлаштирилди, барча ҳосил машиналар ёрдамида териб олинди.

Абдували Расулматов бошлиқ бригада пахтакорлари дала ишларини илғорлар тажрибаси, илғор фан ютуқлари асосида ташкил этади. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш натижасида пахта ҳосилдорлиги ортди. Яқин йилларда 20—25 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, ўтган йили 43 центнерга етди.

Пахтакорлар бу йил ҳам зиммаларига катта мажбурият олишди. Улар юз гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни 40 центнерга еткизишга сўз бердилар. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига қилган Мурожаати бу пахта усталарини ҳам янги зафарларга ундади. Улар бу йил ердан, ўғитдан, техникадан янада самарали фойдаланиб, элимиз бойлигига бойлик қўшишга, деҳқончилик маданиятини янада оширишга сўз бердилар.

Моҳир пахтакор Абдували Расулматов меҳнатлари муносиб тақдирланди. Ҳозирда унинг кўкрагини Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатда хизмат кўрсатганлиги учун» медаллари безаб турибди. Янги йил арафасида бригада бошлиғи ҳаётида қувончли воқеа юз берди. У СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Ленин орденига сазовор бўлди.

Бригада бошлиғига берилган бу юксак мукофот деҳқонларни янги зафарлар сари руҳлантирмоқда. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу йил ҳосилдорликни гектар бошига камида ўн центнерга оширишга қарор қилишди.

Ж. МАМАТОВ.
Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз.

ҲОДИСА

ДОВЮРАК ЧЎПОН

Ўтган йилнинг кузида «Октябрь» совхозининг 1-бўлимидаги отарларнинг тўққизта қўйини бўри чавақлаб кетди. Бу воқеа ҳаммани ваҳимага солиб қўйди. Чўпонлар фикрлашиб, бўрини тузоққа илинтириш режаларини туза бошлашди. Тажрибали чўпон, моҳир овчи Нишонбой Хусанов уларга бошчилик қилди.

Нишонбой Хусанов бир ҳафтагача бўри изини пойлаб юрди. Тунда итларнинг тинимсиз ҳуриши Нишонбайни янада серғаклантирди. У ов милтиғи ва чўқморини олиб, қўра атрофини секин-аста айланиб чиқди. Шунда кўзи қўйхонада кичкинагина кузичоқни бўғизлаб, эндигина елкага олаётган бўрига тушди. Бўри энди қўра деворидан ошаётган ҳам эдики, миясига кучли гурзи билан урди. Калтак зарбидан сулайиб қолган ваҳший бир зумда тил тортмай жон берди.

Нишонбой Хусанов йигирма йилдан бери чўпонлик қилади. Шу давр ичида у ўн бешта бўрини қўлга туширди. «Октябрь» совхози маъмурияти чўпон-овчи Нишонбой Хусановни бир бош қўй ва пул мукофотлари билан тақдирлади.

М. ҚАЮМОВ,
Оҳангарон райони.

ТУРМУШ МАДАНИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими турмуш маданияти ҳамда ёшлар аҳлоқ тарбияси масалалари билан шуғулланувчи партия ва совет ташкилотлари лекторларининг уч кунлик семинарини ўтказди. Семинар Троицкий посёлкасига жойлашган «Октябрь 10 йиллиги» дам олиш уйи клубида ўтказилди.

Семинар машғулотларида фан ва маданиятимиз вакиллари ўқиган лекция тингланиб, ёзувчи ва санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилди, кинофильмлар намойиш қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти сектор мудирларидан фалсафа фанлари доктори профессор А. Валиев «Янги инсон шаклланишида техника тараққиётининг роли», фалсафа фанлари кандидати Х. Шайҳова «КПСС XXIV съезди аҳлоқ тарбияси ҳақида», республика «Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосари, тарих фанлари доктори, Қ. Фозилхўжаев «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эллик йиллиги», Соғлиқни сақлаш министрлиги тери-таносил институтига қарашли косметика даволаш шифохонасининг бош врачи И. Тимофеева «Энг муҳими — инсон соғлиги», Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кафедра мудири, филология фанлари кандидати М. Тўхтахўжаева «Нотиқлик санъатининг айрим приёмлари», Тошкент область партия комитетининг лектори К. С. Тен «Халқаро аҳвол» мавзуларида қизиқарли лекциялар ўқидилар.

Филология фанлари кандидати Умарали Норматовнинг «Совет кишисини коммунистик руҳда тарбиялашда адабиётнинг роли», санъатшунослик фанлари кандидати Ҳамидулла Акбаровнинг «Ғоявийлик ва бадиий маҳорат — совет кино санъатининг асосий хусусияти» мавзудаги суҳбатларидан кейин севимли шоир ва артистлар билан ўтказилган учрашувлар тингловчиларнинг олқишига сазовор бўлди. Шоирлардан Зоҳиджон Обидов, Анвар Эшоновлар ўзларининг шеърларини ўқидилар. СССР халқ артисти Наби Раҳимов, артист Ўлмас Алихўжаев, режиссёр Учқун Назаровлар ўзлари яратган «Шиддат» бадиий фильми ҳақида гапириб бердилар.

Семинар сўнгида область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири ўртоқ Ш. Н. Тошпўлатов «Дин, анъана ва урф-одатлар» мавзуида лекция ўқиб, машғулотларга якун ясади.

ЯНГИЛИК ТУФАЙЛИ

Олмалиқ рўзғор химияси заводида аэрозол баллонлари ишлаб чиқарадиган ва уларни тўлдирадиган линия ишга тушди. Бу ерда сочга суриладиган «Сандра» ва «Прелесть» лаклари, чивинга қарши қўлланиладиган «Тайга» воситаси, хоналардаги ҳавони яхшилайдиган «Ветерок» суюқлиги — умуман ҳаммаси бўлиб 20 хил буюм ишлаб чиқарилади. Бу линия йилига 20 миллион баллон турли хил воситалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Янги линия корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки ярим баравар кўпайтириш имконини беради.

(ЎзТАГ).

Спорт

УЧРАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

● **ОЛИЙ лига аёллар командалари СССР чемпионатининг иккинчи тур мусобақалари қизғин давом этмоқда. Шуни айтиш керакки, чемпионатда иштирок этаётган Тошкентнинг «Автомобилчи» командаси қизларининг омади дастлаб келмай турган эди. Бешинчи учрашувда қизларимизга бахт кулиб боқди. Улар турнир пешқадами Марказий Армия спорт клуби командаси устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. Навбатдаги учрашувда тошкентликлар Одесса медицина институти волейболчилари билан беллашадилар.**

●

● **МАРКАЗИЙ Армия спорт клуби футболчилари Америка Қўшма Штатларида ўтказилган кичик футбол мусобақаларида муваффақиятли қатнашдилар. Сўнгги учрашувда улар Сент-Луис шаҳрида маҳаллий «Сент — Луис старз» клуби билан куч синашдилар. Учрашувда меҳмонларнинг устунлиги сезилиб турди. Матч 11:4 ҳисобида ғалабаси билан якунланди.**

● **ОЛИЙ лига футбол командалари аъзолари мамлакатимиз жанубида ўтказилаётган ўқув-тренировка машқларида актив иштирок этмоқдалар. Машқлар давомида ўртоқлик учрашувлари ташкил этилмоқда. «Арарат» (Ереван) ва «Зенит» (Ленинград) командалари учрашувида ленинградликлар 4:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар. «Спартак» (Москва) ва «Шахтёр» (Донецк) командалари учрашувида ҳисоб очилмади.**



КАТТА Чимён тоғлари бағрида.

В. Таран фотоси.

ТОҒ МАКРИ

Ўрта Осиё регионал гидрометеорология илмий-текшириш институти қор кўчкисини лабораториясининг станция ва экспедициялари ҳар куни тоғлик районларда жойлашган конлар, корхоналар ва ташкилотларга қор кўчкиси ҳақида маълумотлар юбориб турибди.

Ҳозир тоғларда кунлар илиб бораяпти. Қор эса қалинлашган. Шу даврда қор кўчкиси ҳавфи айниқса кучаяди. Станциялар ва экспедициялар уюшқоқлигини янада ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида Ўрта Осиё регионал гидрометеорология институти қор кўчкиси лабораторияси бошлиғи, география фанлари кандидати Л. А. Канаев мухбиримизга шундай ҳикоя қилиб берди:

Қор кўчкиси табиатнинг даҳшатли офатларидан бири. У шундай қудратга эгаки, йўлида учраган тоғ қояларини ҳам, бақувват дарахтларни ҳам қўпориб жарликларга улоқтириш, уйларни парчалаб, учириб кетиши ҳеч гап эмас. Унинг тезлиги баъзан секундига 50 метрдан ҳам ошиб кетади. Бу ҳолда қор ҳар бир квадрат метрга бир неча юз тонна куч билан тушади.

Бизнинг давримизда катта-катта офатларнинг олди олиб қолинмоқда. Тоғларда замонавий техника билан қуролланган станциялар ва экспедициялар ишлаб турибди. Шаҳримиз атрофини ўраб олган тоғлар атрофлича ўрганилган. Станция ва экспедицияларнинг коллективлари ҳар он қор қатламларидаги ўзгаришларни текшириб борадилар.

Маълумки, тоғларимиз кону-жавоҳирларга тўла. Тоғларда бунёд этилаётган корхоналарнинг сони кундан-кунга бўяпти. Уларнинг баъзиларини табиат тақозоси билан қор кўчкисига «бой» зоналарда ташкил этишга тўғри келяпти. Бундай хавф бор жойларда улкан деворлар ёки кўчкин йўлини бошқа томонга буриб юборувчи қудратли инженерлик иншоотлари бунёд этиляпти.

Чорвоқ сув омборини қуриш даврида неча бор хавф-хатарнинг олди олиб қолинди. Бунёдкорлар бирор марта ҳам азият чекканлари йўқ.

Хўш, қор кўчкини қандай пайдо бўлади? Фан ҳали бу қонуннинг сабабларини тўла айтиб беролмайди. Бироқ, бир неча гипотезалар бор: ҳавонинг қаттиқ қисилиши, кун илганда қалин қор қатламларининг ҳаракатга келиши, гирдоблар ва шу каби сабаблар билан кўчкин пайдо бўлиши мумкин. Қор кўчкини олдидан қорнинг устки қисмида специфик ўзгаришлар рўй беради. Қор қисилиб худди бетондек қотишиб кетади.

Шу ерда мен ҳаётда кам учраган бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Бир одам қиш охирлаб қолган вақтда отда якка ўзи тоққа отланган эди. Анча баландга кўтарилган пайтда атмосферада ўзгариш юз бериб, у қор кўчкининг ҳаво тўлқинига учрайди. Қаттиқ босимли ҳаво тўлқини чавандозни от билан учириб бориб тоққа уради. Бахтни қарангки, у урилган катта қоя қалин қор остида экан. Юмшоқ қор отни ҳам, чавандозни ҳам тирик сақлаб қолади. Мен бу мисол билан шуни айтмоқчиманки, ҳар бир киши тоққа йўл олса, хавфли фаслда олдин тоғ йўллари ҳақидаги бизнинг ахборотларимиздан бохабар бўлиши ва тегишли ташкилотлар тавсияси билан йўлга отланиши керак.

Бизнинг ҳамкасбларимиз кўп жиҳатдан саперларга ўхшаб кетишади. Ҳавфни энг олдин билиб унинг бартараф этишга киришадилар. Гляциологларимиз неча юз марталаб баландликларга кўтарилишади. Тўпланган ҳисоботларни машиналарда қайта ҳисоблашади. Зонадаги ҳар бир ташкилот, корхонани тоғ мақридан халос этишади.

Инженер-техник ходимларимизнинг ҳаммаси кўп йиллардан бери ўзларига топширилган бу масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб келмоқдалар. Бизда ўз касбини яхши билган ходимлар оз эмас. Улар хавф-хатарнинг олдини олиш билан бирга илмий-янгиликлар ҳам яратмоқдалар, фанга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, А. Королев яқинда жуда қизиқарли темада кандидатлик диссертациясини ёқлади. Шу билан бирга у таниқли спортчи-устоз. Чанғида учиш бўйича спорт мастери. Навбаҳор — Ангрен станциясининг катта инженери П. Лифанов ҳам разрядли спортчилардан. Ўз касбининг сирларини яхши билади. У Федченко музлиги, Антарктидада ҳам ишлаб келган энг тажрибакор йигитларимиздан. Дукант станциясининг катта техниги С. Аббосов йигирма йилдан бери ўз бурчини шараф билан оқлаб келмоқда.

Инженерларимиз Иттифоқ бўйича қор кўчкини проблемаларини ҳал этиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Қор кўчкисининг олдини олиш соҳасида методологик ишлар такомиллашяпти. Кейинги йилларда қатор инженерларимизнинг Бутуниттифоқ илмий конференцияларида қилган докладларини олимлар катта қизиқиш билан кутиб олдилар.

Инженерларимиз ҳозир бутун эътиборларини табиат устидан ҳукмронлик қилишга қаратганлар. Ўтган йил кузида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тоғлардаги қор кўчкини ҳавфи бор районларнинг картасини чизиш ва ундан ҳимояланиш тадбирларини ишлаб чиқишни топширган эди. Лабораториямиз коллективи бутун куч ва билимини ишга солиб, халқ хўжалиги учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган бу ишни қисқа муддат ичида бажарди. Ҳозир эса бутун станция ва экспедицияларимиз коллективлари тоғ мақрини жиловлаш учун кўшимча тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар.

Б. ПУЛАТОВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ОБЛАСТИМИЗ ШАҲАРЛАРИДА

40 МАМЛАКАТГА

«Ўзбекхиммаш» заводи куни кеча Финляндияга яна бир партия аппаратлар жўнатди. Бу аппаратлар Финляндияда қурилаётган атом электростанцияси иншоотида фойдаланилади.

Шаҳар корхоналари тайёрлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳозир бутун жаҳонга машҳурдир. Химия аппаратлари, турбокомпрессорлар, қишлоқ хўжалик машиналари, электр ускуналари, қаттиқ қотишмалар каби маҳсулотларни 40 дан ортиқ чет эл давлатлари харид қилмоқда.

О. ЛЕВАК,
Чирчиқ шаҳри.

●

УЙЛАР МУБОРАК

159-қурилиш трестининг 8-қурилиш бошқармаси бинокорлари, «Бешқайрағоч» массивида ҳар бири 96 квартирали 4 та турар-жой биносини муддатидан олдин қуриб битказдилар. Янги квартираларга бирин-кетин ҳамшаҳарларимиз кўчиб киришмоқда.

Х. СОДИҚОВ,
Тошкент.

●

ИШЧИЛАР ЛОЙИҲАСИ БИЛАН

ГРЭС ҳадемай уз меҳнат шуҳрати музейига эга бўлади. Музей слесарь В. Федоров ва мастер Д. Дзю чизган лойиҳа бўйича қурилмоқда. Музей бир қаватли бўлиб, асосан ойна ва бетондан қад кўтаради.

Залларга ГРЭС ветеранларининг портретлари, республика энергетикасининг ривожланиш босқичларини ифодаловчи экспонатлар, ҳаваскор рассомлар яратган асарлар қўйилади. ГРЭС музейи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги нишонланадиган кун арафасида очилади.

Ф. ПЕТРОВ,
Ангрен.

ЮМОР



СОХТА МУХБИР

Район газетасига хат-хабар жўнатиб турадиган Даливой фельетон ёзмоқчи бўлиб, ҳаётдаги воқеалар орасидан фельетонбоп факт қидириб юрарди. Тан олиш керак, ёзиш унчамунча қўлидан келади. Факт бўлса бас, камчиликнини редакция ходимлари тузатиб кифтини келтиришади. Хамкишлоқлари уни мухбир дейишади.

Бир куни «мухбир» газетада босилган аҳлоқ мавзуидаги фельетонни ўқиб чиқади. Унда уч фарзандини ташлаб кетган бир саёқ шахс танқид қилинган эди.

— Тўхта, — деди Даливой ўзича газетани буклаб, — анови куни қишлогимизнинг қизи Халима опани эри беш боласи билан ташлаб кетибди, деган гап қулоғимга чалинувди. Рост бўлса, фельетон учун зўр факт!

«Мухбир» шу ондаёқ ўпкасини қўлтиқлаб, қўшни қишлоққа йўл олади. Халима опанинг уйига кириб, хол-аҳвол сўраб, сўнг қўйнига қўл солади:

— Ашур акага нима бўлди? — дейди, тусмоллаб.

Халима опа айни лаҳза чўғ бўлиб, ёниб юрган кезлари экан, денг, ўзини мақтаб, эрини қоралаб, ер қаърига киргизиб юборади. Қишлоқ советининг раиси эрига ёнбосганлигидан ҳафалигини алоҳида уқтиради.

— Сизни ташлаб кетганига қанча бўлди? — сўрайди ишини ўнг келганидан севиниб.

— Бир ойдан сал ошди, чамамда. Онасиникида юрибди, гоҳо болаларини кўргани келиб қолади, киргизмайман.

— Яхши қиласиз, эрингиз аблаҳ одам экан... Қаранг, шундай болаларни ташлаб... — дейди кўзгалиб Даливой.

Халима опа ўзича нималардир ўйлаб, лаҳзада ҳовридан тушади:

— Ўй — дунёчилик, Даливой, ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳа, беш боласини ташлаб қаёққа ҳам борарди, таъзирини еб келади.

— Йўқ, феодал эрга қарши ўт очишимиз керак! — деб ўрнидан туради Даливой. «Мухбир» уйига бориб, «ижод»га берилади. Шу кундаёқ «Ашур суюқ» деган фельетон тайёр бўлади. Эрталаб «Ашур суюқ»ни район газетасига олиб келади. Газета ходими «қолдириб кетинг, кўрамиз» деб жавоб беради.

— Буёғи бехавотир, пухта текширганман.

Даливой ҳар кун эрта билан газетага кўз югириб, «Ашур суюқ»ни қидиради. Шу орада қишлоқда «Мухбир» «Ашур суюқ» деган фельетон ёзибди, газетада чиқармиш» деган гап оралаб қолади.

Бир куни редакциядан чақириқ хати келади. Даливой оёғини қўлига олиб редакцияга боради. Коридорда газета редакторига дуч келади. Узатган қўли ҳавода қолади.

— Кетиб қолманг, сизда гап бор, — дейди редактор жиддий вазиятда.

Даливойнинг юраги орқасига тортиб кетади. «Нима бало, Ашур ака редакторга қариндошмикан?». У ҳаёлини йиғиб, бундоқ қараса, коридорнинг бошида Халима опа билан Ашур ака қулишиб туришибди. «Мухбир» турган жойида серраяйиб қолади. Халима опанинг кўзи «фельетончи»га тушади:

— Ху ана, уйга келган мухбир—дейди эрига тирсаклаб.

У томон одим узиб келаётган Ашур аканинг важоҳатини кўрган «фельетончи»нинг капалаги учиб, қаёққа кочишни билмай гарангсиб қолади, кейин ўзини ҳисобчилар хонасига уради. Ранг-қути қум ўчиб халлослаб кирган Даливойни кўрган ҳисобчи хотин-қизлар қий-чув кўтаришади. «Мухбир» ўзини деразадан ташлаб қочади.

М. ИБРОҲИМОВ.

ИЧАБЕРИБ

(БИР ИЧКИЛИКБОЗ ХИРГОЙИСИ)

Ҳавас билдим ичкиликни кайфин суриб ичабериб,
Одатландим бора-бора, гоҳ тонг туриб ичабериб.
Бўлиб қолдим сўнгра уни гиштори бир бемори,
Пул йўғида кўрингандан бир сўм олиб, ичабериб.
Кайф қилибсиз, десалар ҳам баъзи бирлар талтайтириб,
Мен билмабман бу сазони кулиб, кулиб, ичабериб.
Адашмайман йўлимдан ҳеч, гар нисам ҳам дедим донм,
Лойга қориб ҳароб қилди, аста бориб ичабериб.
Ёру-дўсту, таниш-билиш, ўғил-қизлар ҳижолатда,
Баъзан дерлар не азобдур, ўтдек ёниб ичабериб,
Ичкиликни орқасида ўтиб умрим ҳазон бўлди,
Узни қўлга ололмадим, жилов бериб ичабериб.
Деҳқонни дер, ичкиликка ружу қилган соғ қолмагай,
Издан чиқар ахир бир кун ичабериб-ичабериб.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

ОШХОНАДАН ХУШЁРХОНАГА

«Ўзбексельмаш» заводининг цех бошлиғи Николай Петрович билан шаҳар конструкция бюроси ходими Николай Антонович икковлон иттифоқо хушёрхонада учрашиб қолишди.

— Николай Петрович, сизни қаердадир кўргандай бўлаяпман, — деди Николай Антонович — хотира қурғур бироз заифлашдими, эслай олмаяпман.

— Чамамда, сиз билан лағмонхонада учрашгандайман.

— Ха, баракалла, — гапини тасдиқлади унинг хамхонаси, — сизнинг эсингиз ҳалиям жойида экан. Ўша лағмонхона бизга ўхшаган ароқхўрлар учун жуда боп жой-да! Хуплнгнан кетгунча нчсанг ҳам бирор кишн лом-мим демайди. Бошқа ошхоналарда ароқни липпангга қистириб, юрагингни ҳовучлаб, стаканга қўлсан. Атрофингга алангалайвериб, ичганингни билмайсан. Ошхона ходимлари кўриб қолишса, чиқариб юборишади. Бу ерда бўлса... Ишқилиб, шу ошхонанинг мудиридан тортиб, ошпазларигача омон бўлсин! Шундай қилиб кеча роса ичибман. Ошхона остонасига мўккамдан йиқилибман, эрта билан кўзимни очиб қарасам, каминалари шу ерда.

— Мен ҳам кеча молдек ичибман. — деди керилиб Николай Петрович. — Ошхонадан чиқибману, оёқда туролмай ариққа чалқанча тушибман. Тонг саҳарда ичимга ўт кетиб, кўзимни очсам шу ерда гувала бўлиб ётибман. Яхшиям, шу ерда сен билан танишиб қолдим, юрагимнинг чигили анча ёзилди. Биласанми., ошнам, тунда хушёрхонада тунаганларнинг кўпчилиги ўша ошхонадан келишган...

Ҳушёрхонада бўлган бу суҳбат «Чақмоқ» мухлисларининг қулоғига етиб келади. Улар ўз бурчига содиқ, жонкуяр эмасми, бу гапларнинг тагида бирор нима бўлса керак деб, юқоридаги суҳбат асосида текшириш ўтказишади.

Дарҳақиқат, Чирчиқ шаҳридаги «Восток» ресторанига қарашли лағмонхонага Азиз Ниёзов бош ошпаз, Раим Маметов буфетчи бўлиб келгандан бошлаб ароқхўрлар хурсанд. Бу ошхона майхўрларнинг «оромгоҳ» суҳбат жойига айланиб қолган.

Буфетдан истаган вақтингизда спиртли ичимликларни истаганча олиб ичиш мумкин. Аммо, оғизга ёқадиган бирор таом, ёҳуд минерал сув, кондитер маҳсулотлари анқонинг уруғи. Ошхонада бор-йўғи икки-уч хил таом тайёрланса ҳам, сифати ноль!

Ошхона залига бош сўқиб бўлмайди. Ифлос, тартибсиз, столстулларида таом қолдиқлари сочилиб ётганини кўрасиз. Ходимларнинг қўли ароқ, вино шишаларини йиғиштиришдан бўшамайди.

Лағмонхона биноси аллақачон ремонт қилиниши керак эди. Бироқ бу ҳақда ҳечким ўйламайди. Ошхона хўжайинларининг хаёли ароқ, вино сотиш билан банд.

— Ўтган январь ойида, — деди шаҳар ҳушёрхона бошлиғи Рўзибой Бугубоев, — бизга келтирилган «меҳмон»лардан йигирмаси ана шу лағмонхонадан.

Бу ошхона маъмурияти ички ишлар бўлими ходимлари томонидан бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай, ҳамон майхўрларга эшикни ланг очиб қўйишибди.

Шаҳарда бундай аҳвол биргина шу лағмонхонада содир бўлаётгани йўқ. Шунингдек, «Чирчиқ» автостанциясидаги буфет сотувчиси Лидия Шаганова ҳам хилоф равишда спиртли ичимликларни тан тортмай сотиб келмоқда. Бундан ташқари шу станциядаги учта буфетда ҳам аҳвол шундай.

Ичкиликбозликка қарши кураш жиддий тус олган айни пайтда шаҳар умумий овқатланиш бошқармасидаги ўртоқлар айрим ходимлар томонидан савдо қоидаси қўпол равишда бузиб келинаётганлигини қандай баҳолар эканлар?

А.ФОЗИЛОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ҚОРБЎРОН

Мактабгача ёшдаги бир тўла болалар катта кўча юзида гурпанглашиб қорбўрон ўйнашаётган эди, шинамгина қийинган бир аёл кўча кесиб ўтди. Соливой тенгқурларининг шумтакарони эмасми, ўртоқлари орасидан коптокдек сакраб, ҳалиги аёл олдига келади:

— Вела опа, сиз бўясизми,— сўради гўдак кўзларини пирпиратиб.

Аёл боланинг шўхчан ҳаракатидан, ширин тилидан завқланиб, жилмаяди.

— Ҳа, мен бўламан.— деб кулади, ҳазиллашиб.

— Бизни боғчани катта опаси бўласиза?

Аёл яна завқланиб кулади.

— Ҳа, нимайди?

Соливой «Болалар, мана боғча опамлар» деб бақирган эди, жужуқлар бир зумда ёпирилиб келиб, аёлни ўраб олишади.

— Сизни урамиз, — дейди олмадек муштини кўрсатиб Соливой.

— Нега энди?— деди кулимсираб аёл.

— Нега бизани боғчага олиб, боқча очмайсиз, — деди Валивой.

Аёл болаларнинг табиий беғараз ҳаракатларидан завқланиб, қотиб-қотиб кулганича йўлига кета бошлади. Шу пайт унинг кетидан Валивой «Қорбўрон» деса бўладими, шу денг жужуқлар ҳар томондан аёлни чувиллашиб қорбўрон қила бошлашди. Қарабсизки, лаҳзада унинг юз кўзи қизил шолғомга ўхшаб қолди. Шу пайт Саримсок ота келиб қолиб, болаларни тарқатиб юборди. ва болалар нима учун бу аёлни қорбўрон қилишганини аёлга тушунтириб берди.

— Қизим,— дейди у,— мана шу Юнусобод массивимиз кейинги икки-уч йил ичида пойтахтимиздаги обод жойлардан бирига айланди. Бу жажжи шаҳарчада 60 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Пил сайин массивда кўп қаватли кўркам бинолар қад кўтаряпти. Табиати хушманзарали, шундай баҳаво жойда одамлар тез кўпаяркан. Янги меҳмонлар дунёга кўплаб келишяпти. Қизим, бундан ғам емаймиз. Бошимизда қудратли паноҳимиз, ғамхўримиз, —давлатимиз бор.

Ўтган йили тўртта болалар боғчаси қурилиб ишга туширилиши, ҳозир сизни қорбўрон қилган болалар 485-боғчада тарбияланиши керак эди. Бу боғча 1 январда ишга тушишини ҳамма кутганди. Чунки, Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли 2-капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи Л. Л. Крис деган ваъдабоз ўзининг 13-114 номерли хати билан боғчани 16 сентябрда юз фоиз тугаллаймиз деб, ишонтирган эди. Шунинг учун Вера Андреевна Долговани боғча мудири ва бир қанча хизматчилар қабул этилиб, уларга ҳақ тўлай бошланди. Лекин, ўртоқ Крис ваъдани унутиб қўйди. Натижада боғчага қабул қилинган 280 бола ҳалигача бу тарбия даргоҳига келганича йўқ. Бу ҳақда ота-оналар Киров район ва шаҳар «халқ маорифи» бўлимларига бир неча бор мурожаат қилишди. Уердаги ўртоқларнинг ҳам юзлари шувут, ота-оналар олдида уятли бўлиб қолишди. Болалар тушмагур сизни ана ўша боғча мудираси Вера Андреевна, деб қорбўрон қилишганда.

Мана, кўрдингизми, қирқ ўлчаб бир кесиш керак. Район халқ маорифи бўлимидаги ўртоқлар боғчага хизматчилар қабул қилиб, уларга ҳақ тўлайверишган. Натижада давлатнинг бир неча минг сўм пули сарфланяпти. Энди бу ҳақда жиддийроқ ўйлашиб кўришар, деган умидим бор. Ишқилиб, боғчани тезда очиб, болаларни қабул қилишмаса, гўдаклар тушмагур Долговани ҳам қорбўрон қилишлари турган гап.

«Чақмоқ» хабарчиси,
Х. ТЎРАЕВ.



Сўзсиз сурат. А. Ҳакимов чизган расм.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.45 — ТОШКЕНТ. 9.50 — Янгиликлар. 10.00 — Мультфильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Бор эканда — йўқ экан. 11.40 — «Здоровье». 12.10—Чанги спортчи бўйича жаҳон чемпионати. 12.30 — Ота-оналар, сизлар учун. 13.00 — Музикали календарь. 13.45 — СССР темир йўллар министри В. Н. Бешчев саволларингизга жавоб беради. 14.15 — Музикали турнир. 15.00 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 16.00 — Пирк майдони. 16.30 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 17.00— **Хоккей: «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» — «ДИНАМО». 19.15 — ТОШКЕНТ.** 19.20 — «Ахборот». 19.35 — **Оламга саёҳат.** 20.35 — «Ахборот». 20.55 — Социалистик мусобақа илғорлари учун кўрсатув ва концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Кўкламга ҳамма нарса тахми? (телевизион рейд). 22.50 — **Тонг билан учрашув** (Телетеатр). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.20 — Кинофильм. 18.45 — «До-ре-ми-фа-соль». 19.15 — МОСКВА. 19.30 — Кўплаб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарайлик! 20.00 — **Борис Годунов** (опера). 22.00 — Ҳужжатли фильм (Тошкент). 22.30 — Операнинг давоми. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

ПАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/II да **Аида**, 17/II да **Оқ куш кўли** (кундузги), **Кармен** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/II да **Абу Райҳон Беруний**, 17/II да **Йўқолган узук** (кундузги), **Олтин девор** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/II да **Ҳижрон**, 17/II да **Ҳижрон** (кундузги соат 12.00 да) **Хонума хоним** (кеч соат 7 яримда), 18/II да **Хотинимнинг эри**.

КИНО

Меретведаги жанг (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18.00, 21.00), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (11.00, 12.00, 17.00, 20.00).

Яшасин муҳаббат! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», Г. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Ромео ва Жульетта — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00, 20.00), БИЛИМ УЙИ (14.30, 17.00, 19.45).

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда ва ёйиш ва санъат бўлимлари — 831935. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142, коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

А—2484. Индекс 64634. Р—01226.